ЭЛЕКТРОН ПОРТФОЛИО ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ КАДРЛАРИНИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ғ.Р.Отамуродов

Мақолада электрон портфолионинг педагоглар касбий компетентлигини ривожлантириш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш, педагог кадрлар ва талабаларнинг виртуал мулоқотини ташкиллаштириш ҳамда таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини яратишдаги аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: *таълим, педагог, касбий фаолият, портфолио, компетентлик.*

В статье освещено значение электронного портфолио в совершенствовании профессиональной компетенции педагогов, распространении передового опыта, организации виртуального общения педагогов и студентов, а также в создании возможностей эффективного использования образовательных ресурсов.

***Ключевые слова**: образование, педагог, профессиональная деятельность, портфолио, компетентность.*

The article discusses the importance of electronical portfolio in the process of improving the professional competence of the teachers as well as dissemination of leading experiments in the organization of virtual talks of teachers and students as well as in the creation of possibilities of effective use of educational resources.

Key words: *education, pedagogical staff, professional development, portfolio, competence.*

Маълумки, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да “Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади” деб кўрсатилган [1]. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши, ахборот ҳажмининг кескин ошиб бориши, интернет тармоғи хизматларининг ортиши, турли таълим порталларининг ишлаб чиқилиши замонавий педагогдан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кенг билим ва малакага эга бўлишни талаб этади. Зеро, бугунги кунда олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари фаолиятига баҳо беришда ва моддий рағбатлантиришда уларнинг хорижий тилларни қай даражада эгаллагани ҳамда замонавий педагогик, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнида қўллай олиш савиясига аҳамият бериш талаби қўйилмоқда [2].

Давр олий таълим тизимига янги талаблар қўймоқда, уни меҳнат бозорида талаб этиладиган рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга йўналтирмоқда. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ва чуқур рақобат муҳити мутахассисларнинг ҳам шунга тайёр бўлишларини талаб этади. Улар нафақат ўз ғояларини ривожлантириш ва яратилган назарий моделларини амалда жорий этиш учун қулай шароитларни таъминлайдилар, шу билан бирга иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши учун ҳам муҳим интеллектуал омил ҳисобланади.

Бугунги кунда таълим тизимида бошқарув кадрларининг касбий тайёргарлиги соҳани ривожлантиришда жуда муҳим, шунинг учун олий таълим тизими бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва уларнинг касбий фаолияти билан танишиш, касбий компетентлигини ривожлантиришда электрон портфолио тизимидан фойдаланиш ижобий самара бермоқда.

Ҳар бир таълим муассасасида бошқарув кадрлари ва педагог шахси асосий ўринни эгаллайди. У ўз фаолиятини ташкил қилишда ўқув, илмий ҳамда маданий-маърифий тадбирларни тўғри режалаштириши, касбий педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб боришда ўзгариб борувчи замонавий талабларга тезкор равишда мослашиб бориши лозим. Шунга кўра, замонавий таълим муассасалари таълимнинг миллий моделига ўтишида ижодий фикрловчи, таълимнинг замонавий метод ва технологияларини, педагогик-психологик диагностика усулларини, аниқ амалий фаолият асосида педагогик жараённи мустақил лойиҳалаш усулларини қўллай оладиган янги тоифадаги ўқитувчилар ва бошқарув кадрларини талаб этади. Шунингдек, мутахассис кадрларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги кўп ҳолларда уларнинг илғор технологияларни ўзлаштириш қобилияти, ўзгарувчан меҳнат шароитига мослаша олишига боғлиқ. Ушбу ҳолат-

ларни эътиборга олишда ўқитувчи ва бошқарув кадрларининг портфолио тизимидан фойдаланиш муҳимдир.

Турли фаолият йўналишлари бўйича бирор вақт оралиғида эришилган касбий ютуқлар акс эттирилган ва баҳо бериладиган индивидуал маълумотларни тақдим этиш жаҳон тажрибасида ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб электрон партфолиолар кўринишида йўлга қўйила бошлади. “Портфолио” тушунчаси XV-XVI асрларда Ғарбий Европада пайдо бўлди. Уйғониш даврида архитекторлар ўз буюртмачиларига қурилиш лойиҳаларининг тайёр ёки хомаки вариантларини “портфолио” деб номланган алоҳида папкада тақдим этишган, ундаги ҳужжатлар талабгорда қурилиш лойиҳасининг сифатлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. Ҳозирги вақтда бизнес оламида портфолио фирманинг ютуқларини кўрсатиш, фотография ва фотомоделлик соҳасида эса суратлар тўплами сифатида ишлатилади. Таълим соҳасида портфолиони қўллаш ғояси АҚШда ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида пайдо бўлди. АҚШ ва Канададан сўнг портфолио ғояси Европа ва Японияда оммалашди, XXI асрнинг бошларида эса бу ғоя Россияда тарқалди, ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам кенг ёйилмоқда [3.54].

Портфолио **-** мутахассис (ўқитувчи ёки таълимни бошқарувчи)нинг профессионал фаолиятида эгаллаган малакаларини кўрсатувчи, унинг профессионаллик даражасини баҳолашга асос бўладиган материаллар тўпламидир. “Портфолио” деганда шахсий ютуқларни қайд этиш, йиғиб бориш ва баҳолаш услуби назарда тутилмоқда. Бугунги кунда педагогика соҳасида мазкур тизимдан самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, Латвияда (Riga technical university) таълим олувчилар компетенциясини ривожлантиришнинг э-портфолио тизими ишлаб чиқилган [4], Голландияда (Лейден университети) таълим портфолиоси ўқитувчиларни рағбатлантирувчи восита сифатида ишлаб чиқилган [5], Буюк Британияда эса университет тизимида портфолиодан фойдаланиш ҳамда таълим соҳасида касбий ривожланишни бошқариш тизимлари йўлга қўйилган [6,7]. Шотландиядаги энг қадимги университетлардан бири – Абердин университетида 13 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади. Ушбу муассасада бошқарув тизимида ҳам турли портфолиолардан фойдаланилади. Бугунги кунда Буюк Британиянинг айрим олий таълим муассасаларида абитуриентларни ўқишга қабул қилишда ҳам портфолио тизими татбиқ қилинган.

Республика таълим тизимида электрон портфолио Олий таълим тизими педагогик ҳамда раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича Бош илмий-методик марказ томонидан биринчилардан бўлиб амалиётга жорий қилинди. Мутахассисларнинг портфолиосини яратиш олий таълим муассасалари педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ажралмас таркибий қисмига айланди. Ушбу ўзига хос “электрон кундалик” ўқитувчини ўз малакасини мунтазам ошириб боришга ундайди. Олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва бошқарув кадрларининг ўз фаолиятида юзага келувчи турли масалаларни ҳал эта олиш малакаларини кўрсатувчи, уларнинг профессионаллик даражасини баҳолашга қаратилган ушбу материаллар тўплами мутахассисларни баҳолашда жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Портфолио турли фаолият йўналишлари бўйича бирор вақт оралиғида педагог эришган касбий ютуқлар акс эттирилган индивидуал папкалардан иборатдир. Бунда педагогнинг ўқув, ўқув-методик, ташкилий, илмий тадқиқот йўналишлари бўйича эришган ютуқларига баҳо берилади. Электрон портфолионинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўрганиш жараёнига доир артефактларнинг тизимлилиги ҳамда кўп миқдордаги ва турли йўналишдаги материалларни қамраб олишида кўринади. Ана шундай материаллар сирасига қуйидагилар киради:

– Word ёки матнли ҳужжатлар;

– PowerPoint презентациялари;

– Web-саҳифалар гиперлинклар билан биргаликда;

– Excel материаллари ва жадваллар;

– Сканерланган материаллар;

– Рақамли суратлар;

– Multimedia audio, video файллар ва бошқалар.

Шундай қилиб, электрон портфолио илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш, педагоглар ва талабаларнинг виртуал мулоқотини ташкиллаштириш, таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларининг яратилиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, портфолиода тўпланган маълумотлар педагогнинг касбий гувоҳномаси сифатида шаклланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” // http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=48401

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги “2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги Қарори // http://uza.uz/oz/documents/2016-2017-uv-yilida-zbekiston-respublikasining-oliy-talim-mu-26-05-2016

3. Шоймардонов Т. Педагогларнинг электрон портфолиоси: таркиби ва мазмуни. // Педагогика, 2014. – №5.

4. Gorbunovs, Aleksandrs. Development of the Reflection Stimulating ePortfolio System to Enhance Learners Competences, Summary of the Dissertation, Riga, 2014.

5. Mansvelder-Longayroux The learning portfolioas a tool for stimulating reflectionby student teachers, Leiden University, ICLON Graduate School of Teaching, 2006.

6. https://www.abdn.ac.uk/documents/e-portfolios.pdf

7. Derek Glover, Sue Law. Managing Professional Development in Education, London, 2005.

Бош илмий-методик марказ,
2016 йил 17 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ҳ.М.Алимов)